Ислом КАРИМОВ:

БИЗ ОЗОДЛИККА ЭРИШГАН ИЛК КУНИМИЗДАН БОШЛАБ, ЎЗ МИЛЛИЙ ДАВЛАТЧИЛИГИМИЗНИ ТИКЛАШГА КИРИШГАН ДАСТЛАБКИ ПАЙТДАНОҚ НИЯТ ВА МУДДАОЛАРИМИЗНИ БУТУН ДУНЁГА ОЧИҚ-ОЙДИН МАЪЛУМ ҚИЛГАНМИЗ: МАҚСАДИМИЗ АНИҚ — ЎЗБЕКИСТОНДА ҲУҚУҚИЙ ДЕМОКРАТИК ДАВЛАТ ҚУРИШ, ИНСОННИНГ ҲАҚ-ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ, УНИНГ ОРЗУ-УМИДЛАРИНИ РЎЁБГА ЧИҚАРИШ УЧУН ШАРОИТ ЯРАТИШ — БОШ ВАЗИФАМИЗ. БУ ЖАМИЯТДА ХАЛҚ ҲУКМДОРЛАРГА ЭМАС, ҲУКМДОРЛАР ХАЛҚҚА ХИЗМАТ ҚИЛИШИ — АСОСИЙ ҚОИДА.

МУСТАҚИЛЛИК 1991 2000

Шу азиз Ватан — барчамизники

O'zbekiston ovozi

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASINING SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI ❐ 2000 ЙИЛ 27 ИЮЛЬ ПАЙШАНБА № 85 (26.635)

МУСТАҚИЛЛИК МАЙДОНИДАГИ СУҲБАТЛАР

Лилия АЛИЕВА, Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги 17-гимназия мактабининг директори:

ҚАРАШЛАРИ ТЕРАН, ФИКРИ ОЙДИН АВЛОД БУ!

— Истиқлол бизга нима берди, деган саволга ҳар бир киши бугун мен истиқлол учун нима қилдим, нима хизмат кўрсатдим, деган саволни ўзига бериб кўрса, жуда яхши бўларди. Шундагина ҳар биримиз ўз виждонимиз, эътиқодимиз, имонимиз олдида ҳисобот берган бўламиз. Бугун ҳар соҳадаги ўзгаришлар — ютуқларимиз, янгиликлар, оламшумул аҳамиятга оид ишларнинг барчаси ўз-ўзидан мустақиллигимизга бориб тақалади. Мамлакатимиз озодликнинг илк кунлариданоқ тараққиёт йўлини тўғри танлаб олди. Яъни, иқтисодий ютуқларимиз мезони маънавий юксаклик билан ўлчанди. Маърифий камолотга жиддий эътибор берилди. Бу эса биринчи галда ёш авлод тарбияси энг муҳим масалага айланганлигини кўрсатди ва давлатимиз раҳбарияти бу йўлда барча муҳим вазифаларни бажарди, муаммоларга ечим топди. Ёш авлод тарбияси давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бу энг тўғри ва ёрқин йўл эди. Чунки шу аснода келажак тақдирига дахлдорлик ҳисси шаклланди.

Энди мен ўзим раҳбарлик қилаётган мактаб мисолида баъзи бир гапларни айтсам: буни албатта мақтанишга йўйманг. (Аслини олганда, бизга яратилган шарт-шароитлардан мақтанмасак ҳам нокамтарликдир). Мактабимиз 1996 йилда ЮНЕСКОга аъзо бўлди. Бу сирадаги мактаблар юртимизда саноқли. Демак, ўқувчиларимиз, мураббийларимиз ЮНЕСКО дастурини мукаммал билишади, шу билан бирга инсоният тақдирига дахлдор энг олий ишларни амалга оширишга ўзларини бурчли деб биладилар. Бундан ташқари мактабимизнинг юқори синф ўқувчилари аъло баҳоларга ўқишиб, инглиз тилини мукаммал эгаллашгач, хорижий давлатларнинг илм масканларида тарбия олиб қайтадилар. Шунингдек, ўқувчиларимиз Интернет хабарлари орқали дунё янгиликларидан мунтазам воқиф бўлиб борадилар. Мактабимиз инглиз тилини чуқур ўргатишга ихтисослаштирилган ўқув даргоҳи. Инглиз тили бошланғич синфларданоқ мукаммал тарзда ўргатилади. Шунингдек, АКСЕЛС йўлланмаси билан Эркин Аюпов, Диёра Зияева, Наргиза Маҳкамова сингари ўқувчилар АҚШда таҳсил олиб қайтдилар. «Дунё коллежлари» йўлланмаси билан бўлиб ўтган танловда ғолиб чиқиб Санжар Холмуродов Гонкок шаҳри, Наргиза Азизова Ҳиндистон давлатида сабоқ олиб қайтди. Бу йилги танловда эса 10 нафар ўқувчимиз муваффақиятли қатнашди. Лондон шаҳридан келган мутахассис бу ўқувчиларнинг билимлари ниҳоятда кучли эканлигини таъкидлади. Яна бир ўқувчимиз Юсуф Маҳкамов Осло шаҳрида сабоқ олиш учун йўлланма олди. Мактаб партасидаёқ хорижий давлатларнинг нуфузли ўқув даргоҳларида таҳсил олиш ҳуқуқига эга бўлган ўқувчи ёшларимиз келажакда Ўзбекистонимиз равнақи учун хизмат қиладилар. Улар Президентимизнинг **«Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт»,** деган ишончини оқлайдилар.

Менинг ҳаётимда унутилмас кунлар кўп. Дунёнинг етакчи давлатлари сиёсатдонлари юртимизга келишганда мактабимизда таҳсил олган ўқувчиларнинг таржимонлик қилиши менинг қалбимни фахр ва ифтихор туйғуларига лиммо-лим этади. Мен шунда ўз мактабимни, шогирдларимни дунё билан бўйлашаётганини ҳис қиламан. Айниқса, Хиллари Клинтон Тошкентга келганида мактабимиз битирувчиси Барчин Мухторованинг у билан эркин мулоқот қилганлигидан ҳаммамиз севиндик. Истиқлол бизнинг маънавиятимиз илдизларини мустаҳкам этди. Энди бу илдизларга ҳеч бир куч ҳамла қилолмайди.

■ **Рукн учун масъуллар:** **Норбобо ШАКАРОВ, Қўчқор НОРҚОБИЛ**

«Ўзбекистон овози» газетаси таҳририяти қошида ташкил этилган

«ҚАЛАМКАШ»

ёш журналистлар мактабининг навбатдаги гуруҳига суҳбат асосида тингловчилар қабул қилинади.

Ўқиш муддати бир йил. Маъруза ва амалий машғулотларни журналистика соҳаси бўйича етакчи олимлар ва таниқли журналистлар олиб боришади. Битирувчиларга ҳужжат берилади.

Манзилимиз: Тошкент шаҳар, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 3-қават, 356-хона, «Ўзбекистон овози» газетаси таҳририяти. Тел.: 136-55-05

МУАММО ҲАЛ ЭТИЛАДИ

Мамлакатимизнинг кунчиқар томонларида мустақиллик берган саодатга шукр қилиб яшаётган боботоғликлар асосан деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланишади. Бироқ кейинги пайтда тоғликлар имкониятларини ҳар қанча ишга солишмасин тармоқдаги натижалар сув муаммоси туфайли кўнгилдагидек бўлмаётир. Чунки хўжалик қишлоқлари, экин майдонларига сув Тожикистондан келадиган Кофарниҳон дарёсидан кўтарма насослар орқали чиқарилади.

Сув насосларининг тўла қувват билан ишламаслиги, кўпларининг эҳтиёт қисмлари етишмаслиги оқибатида ғалла тайёрлаш шартномавий режаси бажарилмасдан қолди. Янгибоғ қишлоғи ва унинг атрофидаги экинлар сувсизликдан зарар кўрди. Яқинда вилоят ҳокими Бахтиёр Олимжонов Боботоққа келиб, ҳақиқий аҳвол билан танишиб, тоғликларнинг талаблари тўғри ва уларга сув муаммоси бўйича амалий ёрдам кўрсатиш зарурлигини айтди. Ҳоким ташрифидан кейин Боботоғда янги насос станцияси қурилиши бошлаб юборилди. Насос станциясини келгуси йилнинг кўкламига қадар ишга туширилиши мўлжалланаяпти. Шунда экинларнинг сув таъминотини яхшилаш билан бирга 1000 гектардан кўпроқ янги ерлар ўзлаштирилиб, қишлоқ хўжалик оборотига қўшилади.

■ **«Туркистон-пресс»**

КУЛОЛЛАР ГОЛЛАНДИЯДА

— Цвальмен шаҳрида ташкил этилган нуфузли кўргазма «Санъат байрами» шиори остида уюштирилди, — дейди «Мерос» ассоциацияси Самарқанд вилояти бўлими раиси Зариф Мухторов. — Унда дунёнинг 16 мамлакатидан келган усталар ўзларининг кулолчилик буюмларини намойиш этишди. Усталаримиз бундай катта кўргазмада илк бор қатнашдилар. Шуниси диққатга сазоворки, самарқандлик кулолларнинг ижодий ишлари ўзининг ранг-баранглилиги ва сержилолиги билан ажралиб туради. Шу боисдан санъатимиз намуналарига қизиқиш катта бўлди.

■ **Лутфулла МАМАСОЛИЕВ**

Владимир ПАНОВ олган сурат

БЎЁҚЛАР СЎЗЛАЙДИ

Республика Байналмилал маданият марказида таниқли мусаввир Собир Раҳметовнинг рангтасвир асарлари кўргазмаси очилди. Унда асосан портрет, манзара жанрларига оид жами 30 га яқин асар ўрин олган. Кўргазма билан танишар экансиз, кишида гўзалликка ва инсоният асрлар давомида муқаддас билиб келган анъаналарга чуқур ҳурмат уйғонади. Шунингдек, мушоҳадага бой композицияларда ўзбек халқининг миллий қиёфаси, уруш йилларидаги фидокорона меҳнати ва матонати моҳирона тарзда тасвирланган.

■ **Шуҳрат ОРИФ**

ЙИЛ ОЙ КУН

МОЛДОВА ОЛИМЛАРИ ҲАМКОРЛИГИДА

Пешку туманидаги Охунбобоев номли жамоа хўжалиги деҳқонлари молдовалик бир гуруҳ селекционерлар билан ҳамкорликда бир ердан икки-уч марта ҳосил олиш пайида бўлмоқдалар. Ўртадаги шартномага асосан хўжаликнинг 38 гектар ғалладан бўшаган ерга Молдовадан келтирилган кунгабоқар ва 2 гектар ерга эса соя экилганди. Бугун экинлар баравж ривожланяпти.

— Биз, — дейди Бельц қишлоқ хўжалик илмий текшириш институти селекционери, қишлоқ хўжалик фанлари доктори Пётр Хропотинский. — Кунгабоқар ва соянинг ўзимизда яратган гибрид навларини бу ерларда синаб, пешкулик деҳқонларга мазкур такрорий экинлардан ҳам катта даромад олиш мумкинлигини амалда кўрсатиб бермоқчимиз.

Ҳисоб-китобга кўра ҳар гектар ердан 30-35 центнердан ҳосил олинади.

■ **Ўз мухбиримиз**

СИФАТИГА ГАП ЙЎҚ

Тошкент вилояти Янгийўл шаҳридаги «Кичкинтой» ҳиссадорлик жамияти қошида австриялик тадбиркорлар билан ҳамкорликда йилига 450 минг жуфт болалар пойабзали ишлаб чиқарадиган қўшма корхона иш бошлаганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Лекин мазкур корхона шу бугунгача 52 минг жуфт маҳсулот тайёрлашга эришди.



— Бошида бироз хомашё масаласида қийналсақда, ишимиз юришиб кетди, — деди корхона раҳбари Хўжакелди Эралиев. — Ишлаб чиқариш суръатини оширдик. Қисқа вақт ичида 185 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариб белгиланган режаларга етиб олдик.

Мазкур корхона болаларбоп 13 хил моделдаги пойабзаллар тайёрлашга ихтисослаштирилган бўлиб, кунига 850-1000 жуфт пойабзал ишлаб чиқариляпти.

Янги маҳсулотларнинг ўта сифатлилиги, бежиримлилиги боис унга буюртма берувчиларнинг сони ортмоқда. Ҳозирданоқ республика Халқ таълими вазирлиги ана шундай болаларбоп пойабзалларга 30 миллион сўмлик, бошқа мижозлар эса 250 миллион сўмлик буюртма беришди.

■ **Маъмуржон УМРЗОҚОВ**

ИСЛОҲОТ ВА МАСЪУЛИЯТ

ЧОРВА ТУЁҒИДАН КЎПАЯДИ

Халқимизнинг ўзига хос анъаналари қатори турмушнинг турли соҳаларида бетакрор, фахр этишга арзигулик қадимий ёдгорликлари мавжуд. Шўролар даврида ҳисори қўйларимиз ҳам ноёб ёдгорликларимиз қаторидан жой олишига озгина қолган эди. Йилқичиликнинг кераксиз соҳага айлантирилганлиги, чорвачиликдаги сифатга эмас, сонга қараб баҳолашлар уларнинг ноёб турларини йўқолиб кетиш сари етаклади. Биз ўзлигимизни, озодлигимизни англай бошлагач, қадриятларимизга алоҳида эътибор қаратдик. Бугунги кунга келиб ҳисори қўйлар фақатгина бизнинг мамлакатимизда ривожлантирилаётганлиги ҳам фикримиз тасдиғи.

Ота-боболаримиз деҳқончилик, бир йил, чорвачилик — қирқ йил, деб бежиз айтишмаган. Қўйчиликда тоза насл олиш, авайлаб-асраб ўстириш, кўпайтириш машаққатлари ҳисобга олинган. Бу соғлом отарни ташкил қилиш, учун қирқ йил кетиши назарда тутилган. Зотдор ҳисори қўйлар ҳақида гап кетганда, кўз олдингизга қадим Сурхон воҳаси келади. Унинг осмон қадар бағрикенг, кўмкўк яйловлари, ажиб манзара касб этувчи қир-адирлари, тоғлари бағридан отилиб чиқаётган зилол булоқ сувлари, ирмоқ, дарёлари чорвани ривожлантиришга жуда қулай. Бу замин нафасини туйган, майсасидан баҳраманд бўлган, сувидан қониқиб ичган ҳисори қўйларнинг жуни тиллодек товланиб, кўзни қамаштиради, аслида ҳам баҳоси тилло баробарида.

Ҳисори қўйларнинг кўкрак қафаси кенг, суяги йирик, бели узун ва тик бўлади. Вазни ҳам бошқа зотли қўйларга қараганда тош босади. Тез етилади. Бойсун, Сариосиё туманларида бундай зотли қўйлар азал-азалдан боқиб келинган. Шу ерлик кекса чўпонларнинг гапига қараганда, бир испаниялик сайёҳ келиб, ҳисори қўйларни кўриб, «бу дунёнинг мўъжизаси-ку! Бунақасини ҳали кўрмагандим», дея ҳайратини яшира олмаган экан. Қолаверса, отарда юрган ҳисори қўйлар 100 кило атрофида тош босса, атайлаб боқилганлари 160 килогача юк босиши мумкин экан.

90-йилларгача сунъий урчитиш, туёқ сонини кўпайтириш каби иллатлар сабаб наслдор қўйларга эътибор сусайди. Улар бошқа сурувларга қўшиб юборилди. Ўз мустақиллигимизни қўлга киритгач, айни Бойсун ва Сариосиё туманларида махсус наслчилик заводлари барпо этилди. Ҳисори қўйларни бошқа сурувлардан ажратиб боқишга алоҳида эътибор қаратилди. Ўзбекнинг ҳисори қўйларининг наслдорлигини тиклаш, шуҳратини дунёга ёйиш муаммосини ҳал этиш йўлида машаққатли меҳнат қилинди. Меҳнатнинг таги роҳат, деганларидек, уринишлар зое кетмади. Ҳисори қўйчиликка ихтисослаштирилган «Бойсун» ширкат хўжалигида 1997 йилда 15 минг 580 бош ҳисори қўй мавжуд эди. Бугунга келиб бу кўрсаткич 20 минг 849 бошни ташкил этмоқда. Сариосиёда эса ушбу қўйларнинг сони 41 мингдан ошиб кетди, шундан 17 минг 747 таси совлиқлардир. Жорий йилда эса ҳар юз бош совлиқдан 91 тадан соғлом қўзи олинди.

Бозор иқтисодиёти талаб ва эҳтиёжини тўғри англаган сариосиёликлар янгича ишлаш, замонга мослашишга ҳаракат қилишмоқда. Ўтган йили Г.Хидиров номли ширкат хўжалигидаги отарлар оилавий пудрат асосида хўжалик аъзоларига бўлиб берилди. Йил якунига қадар «Дашнобод», «Сўфиён», И.Диёров номли ширкат хўжаликларида ҳам иш пудрат асосида ташкил этилди. Чўпонлар ҳам мулк эгасига айланди.

— Қўй туёғидан кўпаяди, чўпон эса таёғидан обрў-эътибор топади, — дейди «Бойсун» ширкат хўжалиги бош зоотехниги Эсон Ҳусанов. — 46 отар ҳисори қўйимиз бор. Ишонасизми, шу пайтгача ем-хашакдан қийналмагандик. Бу йилги қурғоқчилик қиру адирлардаги майсаларни қовжиратиб қўйди. Ҳадемай кузак, қиш, тўл мавсуми дегандай... 5200 тонна емиш жамғаришимиз лозим. Тўғриси, қийналсак керак. Ҳозирги кунда ички имкониятлардан тўла фойдаланиб, қолаверса, қўшни Қизириқ, Шўрчи ва бошқа туманлардан шартнома асосида ем-хашак сотиб олаяпмиз.

— Ҳисори қўйнинг гўштини мўмиёга тенглаштиришади, — дея гапга қўшилди Сариосиё туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи Отаулло Мустафоқулов. — Ўтган йили ҳисори қўйчиликдан туманимиз 54 миллион 500 минг сўм соф фойда олди. Яратганнинг иноятини қаранг, туманимиз яйловлари «Тўпаланг» дарёсининг ёнбағирларида жойлашган. Ем-хашакдан, сувдан кўпам қийналмаймиз. Ғалламиз ҳам мўл бўлди. Гўё табиатимиз ҳисори қўйчиликни ривожлантиришга мослашгандек. Туманимизда 119 килоли ҳисори қўйлар элита ҳисобланса, отарларимизда бундай қўйлар юздан ошиқ.

— Муваффақиятлар ўзимизники, келажак авлодники, — дейди Сариосиё тумани ҳокими Қ. Холдоров. — Бу соҳани ривожлантиришда бизда катта тажриба бор. Мана Голландия жаҳонда ўзининг гўшт маҳсулотлари билан машҳур. Жаҳон бозорига чиқсак, мижозларнинг ўзи ахтариб келишади ҳали. Бунинг учун гўштдан турли маҳсулотлар тайёрлайдиган, гўштни қадоқлайдиган кичик-кичик корхоналар қурмоқчимиз.

Саноатнинг турли соҳаларида мамлакатимиз жаҳонга танилиб бормоқда. Ажабмас яқин кунларда рва маҳсулотларимиз ҳам «Ўзбекистон» тамғасида юртимизни жаҳонга машҳур қилса.

■ **Абдумалик ҲАЙДАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

ХДП ХАБАРИ

ФАОЛЛАР ЙИҒИЛИШИ

Гулистон шаҳрида ЎзХДП Сирдарё вилоят кенгаши фаолларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Уни Халқ демократик партияси вилоят кенгашининг биринчи котиби Дўстмурод Қулматов очди. Кун тартибидаги масала Ўзбекистон Халқ демократик партияси марказий ҳамда вилоят, шаҳар, туман кенгашларининг бугунги кундаги ўрни ва роли ҳамда партия ташкилотлари олдида турган вазифалар ҳақида ЎзХДП МК котиби А. Рустамов маъруза қилди. Сўнгра ўзаро фикр алмашувларида Сирдарё туман кенгаши биринчи котиби М. Аҳмедов, Ш. Рашидов тумани кенгаши биринчи котиби Қ. Одилов, Гулистон шаҳар кенгаши биринчи котиби Қ. Юсуфалиев, Ховос туман кенгаши биринчи котиби Х. Жўраев, Боёвут туман кенгаши биринчи котиби Д. Ғозибеков ва бошқалар иштирок этдилар.

■ **А. УМАРОВ**

ОЛОТДА ЯНГИ КОЛЛЕЖ

Олот туманида ҳам қишлоқ хўжалик соҳасига ихтисослашган 750 ўринли касб-ҳунар коллежи фойдаланишга топширилиш арафасида. Барча ишларни «Оролсувқурилиш» трестининг кўчма механизациялашган колонналари жамоалари тез ва соз бажаряпти.

— Бу ўқув маскани қурилишида юзлаб киши икки сменада ишлаяпти, — дейди трест бошлиғи Баҳодир Раҳимов. — Замонавий ўқув хоналари, ётоқхона ва бошқа қўшимча иншооти коллеж барча қулайликларга эга бўлади.

Ҳа, энди олотлик йигит-қизлар фермер-асаларичи, иссиқлик хўжалиги бўйича уста, ҳисобчи, фермер-ўсимликшунос, қишлоқ хўжалик махсулотларини қайта ишлаш ва сақлаш устаси, фермер-чорвадор, қишлоқ хўжалик машина ва ускуналаридан фойдаланиш ҳамда уларга хизмат кўрсатиш устаси деган касб-ҳунар эгаси бўла оладилар.

■ **Даврон БАҲРОНОВ**

ЮКСАЛИШ

ЕР ЎЗИМИЗНИКИ, БАКОВУЛ ҲАМ ЭНДИ ЎЗИМИЗ

— дейди «Наврўз» ширкат хўжалиги раҳбари Боқижон Фозилов.

Бу дунё ўткинчи, у инсонга синов учун берилган, дейдилар. Одам ҳаёт дорилфунуни аталмиш муборак даргоҳ остонасига қадам қўяр экан, то ундан кетгунича имтиҳондан ўтаверади. Қилган савоб ишлари, яхшиликлари ўчмас, йўқолмас имтиҳон дафтарига ёзилаверади. Вақти-вақти билан улар сарҳисоб қилиниб борилади.

Зангиота туманида ўз аъзолари рўзғорини кам-кўстсиз қилиб қўйган «Наврўз» хўжалигини «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими», Боқижон Фозилов қарийб ўн беш йилдан буён бошқариб келмоқда. Ширкат хўжалиги бугунги кунда ўзининг иқтисодий бақувватлиги жиҳатдан нафақат пойтахт вилоятида, балки республикамизда ҳам етакчи ўринлардан бирида туради. Хўш, хўжаликдаги бундай юксалиш омилларининг сабаби қаерда?

Аввало шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ширкат хўжалиги ерлари у қадар катта ҳудудни ташкил этмайди. Бироқ, экин майдонлари анча нотекис, қирликлардан иборат. Шу жиҳатдан қарасак, шароит анча оғир: экинларни суғоришда бироз мушкулликлар вужудга келади. Лекин мана шундай табиий шароитга қарамасдан ерга меҳр билан қараб, ундан оқилона фойдаланиш ҳисобига хўжалик ҳар йили муттасил равишда барча қишлоқ хўжалик экинлари бўйича белгиланган режаларни зиёда билан уддалаб келмоқда. Деҳқонларнинг қорни тўқ, эгни бут. Жамоада иш ҳақи ойма-ой бериб борилади. Биргина ўтган йили ширкат хўжалигида ишловчиларга 5,5 тонна буғдой, 19 тоннадан зиёд картошка ва сабзовот маҳсулотлари, 1,4 тонна гўшт, 1,3 тонна сут берилди. Бу рақамлар замирида албатта, ўзига хос ташкилотчилик, ҳалол ва машаққатли меҳнат мужассам.

Ўтган йили барча мевачевани совуқ уриб кетишига қарамай давлатга буғдой ва чорвачилик маҳсулотларини топшириш эвазига яхшигина даромад олишга эришилди.

Ер деҳқонники, топганимиз ўзимизники. Илгаригидек четдан баковул келиб юлиб кетмайди. Шукр, бу йил ҳам дурустгина даромадли бўламиз. Боғларимиз болга тўлди, — дейди хўжалик раиси Боқижон Фозилов.

Боқижон аканинг сўзларини тинглаб ўйлайман. «Наврўз»да кўп йиллардан буён буғдойнинг ҳосили гектаридан эллик центнердан тушмаётганлигининг боиси меҳнатда, уни етиштираётган деҳқоннинг кўнгли, кўзи тўқлигидан.

Ширкат хўжалиги ҳудудида Далигузар қўрғони жойлашган. Унда 10 минг аҳоли яшайди. Ана шу аҳолининг 320 нафари ширкатда меҳнат қилади. Хонадонлар газ, ичимлик суви, электр ва алоқа хизматларидан тўлиқ баҳраманд. Байрамларда жамоага меҳнати синган фахрийларни қадрлаш алоҳида тантана билан ўтказилади. Уруш ва меҳнат фахрийлари хўжаликда 13 нафарни ташкил этади. Улар доимий равишда хўжалик оталиғида. Яқинда Хотира ва Қадрлаш кунида ҳам бундай тоифадаги кишиларга хўжалик ҳисобидан моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилди. Улар орасида Норжи бобо Иноғомов, Сайдалхон бобо Хўжаев ва Баҳром бобо Олимов сингари пиру бадавлат инсонлар бор. Тўй-маъракалар ҳам хўжалик эътиборида.

Ширкат хўжалигида бирон йил йўқки режалар бажарилмаган бўлсин. Жорий йилда ҳам деҳқонлар анчагина даромад қилиб қўйишди. Шаҳарликлар дастурхонига 120 тоннадан ошиқ сабзавот, 305 тонна мева, 42 тонна карам, 20 тонна пиёз, 18 тонна саримсоқ пиёз етказиб берилди.

Биргина 20 гектар ерга экилган қулупнайдан 98 тонна ҳосил олинди, — дейди раис. — Унинг ҳар гектаридан нақд 315 минг сўм, умумий соф фойда эса 6,3 миллион сўмни ташкил этди. 70 гектар майдондаги ғалладан ҳам мўл ҳосил етиштирилди. .

Ҳосилдорлик ғалладан ўртача 55 центнерга айланди. Айтишга осон! Шундай хўжаликлар бор, ери яхши, ҳеч қандай талофат кўрмай ўттиз бешўттиз етти центнердан ҳосил олиб дўпписини осмонга отиб юришибди. Шу ўринда наврўзликлар меҳнатига ҳар қанча таҳсин айтса арзийди.

Ширкат хўжалигида қачон, қандай йиғин ўтказилмасин у «хўш, кимнинг нимадан камчилиги бор» дан бошланади. Сўнг пудратчилардан «қайси ваъда бажарилмади, шартноманинг қайси бандига амал қилинмади», деб сўралади. Ҳақини, мукофотини бекаму кўст олиб турган деҳқон эътироз билдирадими? Ҳалолини айтади, «эътироз йўқ» дейди.

Хўжаликда бир удум бор: масалан, шартномадан ошириб дон йиғиштириб олган 16 та оилавий пудратчи ошиқ доннинг 25 фоизини натура шаклида, 25 фоизининг эса нақд пулини олади. Қолганини ғалла экишдан бошлаб то ҳосилни йиғиштириб олгунича қатнашган қоровулдан тортиб раҳбаргача тенглик асосида текинга бўлиб берилади. Кексалар, ёрдамга муҳтожлар ҳам четда қолмайди. Ана шунда, яхши ният яхши-да, кексаларнинг «уйинг донга тўлсин» дея қилган дуоси ижобат бўлади.

— Хўжалик олинган фойда ҳисобидан 240 ўринли замонавий мактаб биносини бошлаб қўйди. Ҳозирча 25 миллион сўмлик қурилиш ишлари бажарилди, — дейди раис. — Яна 55 миллион сўм атрофида иш бажарилса, мактаб битади. Ҳар йили Мустақиллик байрами шарафига кўзга кўринарли қурилиш қилиш хўжаликда анъанага айланган. Хуллас, бу йил ҳам шундай бўлаётир.

Ширкат хўжалиги раиси Б. Фозилов жамоада ёшлар тарбиясига, кадрлар тайёрлашга ҳам энг долзарб вазифа сифатида қарайди. Хўжалик мана бир неча йилдирки, олий ва ўрта махсус билим юртларда таҳсил олаётган талабаларга стипендия тўлаб келмоқда.

Ишбилармон раис билан дилдан суҳбатлашиб, унинг раҳбарлар учун энг зарур бўлган фазилатлар ҳақида баъзи фикрларни қоғозга туширдик. Эҳтимол, шу фазилатлари туфайли у доимо эл назаридадир. Эътибор беринг-а:

«Хўжалик юритишда аввало молия масалаларига ҳушёр бўлиш, фойдасиз харажатдан тийилиш керак».

«Раҳбарнинг ўзи тартибли, интизомли бўлиши шарт. Бўлмаса одамлар унга эргашмайди».

«Одамлар руҳиятини кўтариб туриш лозим. Чунки кайфияти йўқ одам иш бермайди».

Ҳа, бундай пурҳикмат сўзлар аввало уларга амал қилаётган кишидангина чиқади.

■ **Маъмуржон ҚИЁМОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**



Наманган вилояти Давлатобод туманидаги Баҳодиржон Тошматов раҳбарлик қилаётган «Янги ҳаёт» кичик корхонаси жамоаси ёғочни қайта ишлаш билан шуғулланади. Бу ерда ўзимизда етиштирилган ёнғоқ, чинор ва бошқа дарахтлар ёғочидан фойдаланиб, юқори сифатли дарвоза, эшик, дераза ҳамда мебель маҳсулотлари тайёрланмоқда. Бундан олти йил аввал 6 киши билан иш бошлаган корхона жамоаси аъзолари сони бугунги кунга келиб 40 кишидан ортиб кетди.

Суратларда: *1. Кичик корхона бошлиғи Баҳодир Тошматов ҳамда ишчи Худойберди Жўраев. 2. Ишчи Маҳмуджон Ҳафизов.*

■ **Турғунбек МАҲКАМОВ олган суратлар**

БИРОДАРЛАШГАН ШАҲАРЛАР

КОРТРЕЙКДА СИНО ҲАЙКАЛИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг 1996 йил Бельгия қироллигига қилган расмий ташрифини барча бельгияликлар қатори, Тошкент билан биродарлашган Кортрейк шаҳри аҳолиси катта қизиқиш билан кузатди. Расмий ташриф давомида икки томонлама дўстона алоқаларни янада ривожлантиришга қаратилган шартномаларнинг имзоланиши бир-биридан анча олисда яшайдиган халқларнинг бир-бирига интилишини янада кучайтирди.

Яқинда Тошкент ва Кортрейкнинг ўзаро биродарлашганига 10 йил тўлиши муносабати билан Бельгиянинг бу шаҳрида катта тантаналар бўлиб ўтди. Ушбу тантаналарда Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов раҳбарлигида бир гуруҳ Ўзбекистон вакиллари иштирок этишди. Кортрейкда улуғ шарқ алломаси, табобат илмининг султони Абу Али ибн Синонинг ҳайкалтарош Илҳом Жабборов раҳбарлигида яратилган ҳайкали ўрнатилди. Ҳайкал махсус самолёт билан аввал Бельгиянинг Остенд шаҳрига, у ердан Кортрейкка олиб келинди. Тантаналарга келган Тошкент шаҳар ҳокими раҳбарлигидаги делегация аъзоларини Кортрейк шаҳрининг бургомистри жаноб де Бетюн қабул қилади. Қабул маросими энг мўътабар меҳмонлар кутиладиган мэриянинг алоҳида-кўҳна қароргоҳида ўтказилди. Расмий ташриф чоғида Кортрейк бургомистри, шаҳар бош котиби, оқсоқоллар кенгаши аъзолари ва бошқа расмий кишилар билан ўзаро музокаралар олиб борилди. Кортрейк шаҳар маъмурияти билан олиб борилган музокаралар ҳар икки томонда катта қизиқиш уйғотди. Ушбу музокараларда икки томонлама иқтисодий алоқаларни янада чуқурлаштириш ва уни кенгайтиришга келишиб олинди. Жумладан, тўқимачилик ва энергетика соҳасида ҳамда шаҳар хўжалигини юритиш масаласига оид аниқ таклифлар ўрганилиб чиқилиб, тегишли шартномалар имзоланди. Бу борада ушбу ташриф мобайнида имзоланган Тошкент ва Кортрейк шаҳарларининг ўзаро аҳдномаси эътиборга моликдир. Ушбу аҳдномага кўра, Тошкент ва Кортрейк тимсолида ўзбек ва бельгияликларнинг ўзаро дўстона алоқаларини янада мустаҳкамлаш ва уни ривожлантириш, маданият, спорт, шаҳар хўжалиги менежменти ва ҳар икки томон манфаатдор бўлган бошқа соҳалар бўйича ўзаро алоқаларни кучайтиришга интилиш устувор вазифа этиб белгиланди.

Маълумки, Кортрейк Бельгия қироллигининг энг гўзал ва кўҳна шаҳарларидан бири ҳисобланади. 1989 йил Ла-манш бўғозида жойлашган гўзал ва бетакрор Бельгияда Тошкент ва Кортрейк шаҳарлари ташаббуси билан ўтказилган Ўзбекистон маданият кунлари кортрейкликларда катта таассурот қолдирган эди. Ўша тарихий кунлардаги ўзаро аҳдлашувга биноан биродарлашиш шартномаси имзоланди. Ўша кундан бошлаб Кортрейк ва Тошкент саноат, маданият ва санъатнинг турли соҳалари бўйича мунтазам алоқа ўрнатиб келмоқда. 1990 йилнинг бошларида бир гуруҳ Кортрейк ишбилармонлари Тошкентга ташриф буюришиб, Ўзбекистон пойтахтининг истиқболи ва имкониятлари билан яқиндан танишиб кетган эдилар. Ўзаро ҳамкорлик Ўзбекистон мустақилликка эришгач янги тусга кирди. Икки биродарлашган шаҳарлар орасида ўзаро дўстона алоқалар кўлами кенгайди. Қатор таниқли ўзбек рассомларининг Брюсселда, Кортрейкда ва бошқа шаҳарларда шахсий кўргазмалари бельгиялик санъат ихлосмандларига олам-олам завқ бағишлади. Ўрни келганда шуни ҳам қайд қилиб ўтиш лозимки, Кортрейк шаҳридаги энг йирик концерт зали, шаҳар мэриясининг биноси Ўзбекистон халқ рассоми Баҳодир Жалолов асарлари билан безатилган.

Ташриф чоғида тошкентликлар Кортрейкдаги жаҳон андозаси даражасида ривож топган тўқимачилик саноатига ўз эътиборларини қаратиб, ўзаро ҳамкорлик қилиш ҳақида ўз муносабатларини билдирдилар. Кортрейк раҳбарияти бу ҳақда мамлакатдаги энг йирик тўқимачилик фабрикалари эгаларини хабардор этишларини ҳамда уларнинг тўғридан-тўғри Тошкент билан алоқа ўрнатишини йўлга қўйишни ўз зиммаларига олишди. Ўз навбатида Кортрейкни Ўзбекистоннинг пахтаси қизиқтирди. Маълумки, бир неча йиллардан буён Бельгиядаги қатор тўқимачилик фабрикалари Ўзбекистон пахтасини афзал деб билмоқдалар.

Ўзаро музокаралар мобайнида ТАСИС дастури асосида Европа ҳамжамиятига ҳамкорликда иккита лойиҳа киритиш тўғрисида келишиб олинганлиги ҳам диққатга сазовордир. Ушбу лойиҳанинг биринчиси — Тошкент шаҳрини иссиқлик қуввати билан таъминлаш ва уни тежаш бўлса, иккинчиси — эркин бозор иқтисодиёти шароитида шаҳарни бошқариш ва шаҳар тузилмаси фаолиятига хусусий тадбиркорликни кенг жалб этиш имкониятларига тегишли. Ушбу лойиҳалар Европа ҳамжамиятида кўриб чиқиш учун тақдим этилади. Европа парламенти тасдиғидан сўнг, ҳар икки томон уни амалга оширишга киришади.

Тошкентликларнинг Кортрейкка қилган расмий ташрифи қисқа бўлса-да, лекин жуда самарали якунланди. Айниқса, Абу Али ибн Сино ҳайкали очилишига бағишланган кун таассуротга бой бўлди. Ушбу тантанада Кортрейкнинг кўплаб аҳолиси, шаҳар фаоллари, раҳбарлари, Бельгия ҳукумати аъзолари, дипломатик корпус вакиллари иштирок этдилар. Ҳайкал очилиши маросимида Кортрейк бургомистери жаноб де Бетюн ва Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов лар маъруза қилдилар. Ўзбекистон Республикасининг ва Бельгия давлатининг байроқлари кўтарилиб, давлат гимнлари янгради. Тантанада Кортрейкда ўтаётган халқаро фольклор гуруҳларнинг фестивали иштирокчиси, Қашқадарё вилоятининг «Момогул» фольклор гуруҳининг чиқишлари тўпланганларда катта таассурот қолдирди. Ўрни келганда шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, кортрейкликлар улуғ аллома ҳайкали учун шаҳар марказидаги уч кўча туташадиган чорраҳа ўртасидаги сўлим хиёбонни танлашди. Ҳайкал пештоқида инглиз тилида улуғ алломанинг номи, унинг туғилган ва вафот этилган йили зарҳал ҳарфлар билан зарб этилди.

Кортрейк раҳбарияти шу билан бир қаторда шаҳарда барпо этилаётган янги шифохоналардан бирини Абу Али ибн Сино номи билан аташни ҳамда янги кўприклардан бирига эса «Ўзбекистон» номини қўйишни режалаштириб қўйишганликларини ҳам маълум қилишди.

Ўзаро келишувга биноан Кортрейк шаҳар делегацияси расмий ташриф билан шу йилнинг охирроғига келиб, Тошкентга ташриф буюриши келишиб олинди.

Ишончимиз комилки, ўзаро биродарлашган Тошкент ва Кортрейк шаҳарлари орасидаги самимий алоқалар янада кенг қулоч ёйиб, ўзбек ва бельгияликларнинг ўзаро дўстона алоқаларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

■ **Эргаш ИСМАТУЛЛАЕВ, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги матбуот гуруҳи масъул котиби.**

МУСТАҚИЛЛИК ВА ПРОКРАТУРА

ЎЗГАРИШЛАР ХАЛҚ ДИЛИДАГИ ИШ БЎЛЯПТИ

Прокуратура тизимида узоқ йиллар ишлаганман. Бу соҳанинг паст-баландини, муаммоларини яхши биламан, дейишга ҳақлиман. Албатта, собиқ иттифоқ давридаги прокуратура идораларининг иши билан Ўзбекистоннинг мустақил прокуратураси иши ўртасида ер билан осмонча фарқ бор. Собиқ империя қонунлари юртимизда миллий анъаналар, қадриятларни эъзозлаш, халқимизнинг ғурурини юксалтиришга имкон бермасди.

Шу боис бугуннинг навқирон ҳуқуқшуносларига қараб ҳавасим келади. Зеро, уларнинг ўз фаолиятларини бутунлайича мустақиллигимизни мустаҳкамлашга, Ўзбекистон Конституцияси доирасида фуқаролар ҳақ-ҳуқуқларини муҳофаза этиш учун куч-ғайратларини тўла сарфлашларига шароит яратилган.

Кейинги пайтларда Фарғона вилояти прокуратураси идораларида амалга оширилаётган тадбирларни кўриб, кўнглим ўсляпти. Шогирдларим — шу соҳага масъул ходимлар билан ўзаро мулоқотларда тез-тез бўламан. Маълум бўлдики, прокуратурада рақамлар кетидан қувишдек салбий амалиётдан воз кечилган. Улар фаолиятидаги энг муҳим нарса, содир бўлган жиноятнинг кетидан қувиш эмас, балки қонунбузилиш ҳолатларининг олдини олишни асосий йўналиш қилиб олинганидир. Хўш, жиноятчиликни туғдираётган сабаб нима? Фарғона вилояти шароитида бу ишсизликнинг мавжудлиги, аҳоли асосий табақаларининг ҳуқуқий билимлари етишмастлиги, ҳуқуқ-тарғибот идоралари билан халқ орасидаги алоқаларнинг заифлиги кабилардир.

Республика Прокуратураси раҳбарияти менимча қуйи прокуратура идоралари фаолиятида ана шу кўринишларга эътиборни кучайтиришни кўрсатиб жуда тўғри қилган. Фарғона вилоятида прокурорлар томонидан халқ ичига кириб боришга қаратилган кўпдан-кўп тадбирлар ўтказилмоқда. Кейинги уч ой давомида вилоят прокуратураси раҳбарияти вилоятдаги барча шаҳар ва туманларда одамлар билан учрашувлар, сайёр қабуллар ўтказдилар. Бу учрашувларда жойларда жиноятчилик ва қонунчиликнинг аҳволи, одамларни қийнаётган турли иқтисодий, ижтимоий масалалар очиқ-ошкора муҳокама этиляпти. Учкўприк туманида вилоят прокурори, адлия маслаҳатчиси Юсуфжон Абдукаримов ўтказган сайёр қабул чоғида бир неча минг ишсизлар борлиги аниқланган. Ҳолбуки, шу туманда йилнинг тўрт ойи давомида фақатгина 760 киши ишсиз сифатида рўйхатга олинган, холос. Вилоятда меҳнат ва бандлик бўлимлари билан прокуратура ҳамкорликда иш бошлаган май-июнь ойлари давомида ишсизлар борлиги аниқланиб уларнинг бир қисми меҳнат биржаларида ишсиз сифатида рўйхатга олиниб, 8121 нафари ишга жойлаштирилди, 4434 тасига ишсизлик мақоми тайинланиб, 51 нафари муддатидан аввал пенсияга чиқарилди, 871 тасига нафақалар тайинланди, 3040 таси ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилиниб, 472 нафари қайта ўқишларга юборилди.

Одамларнинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхши билмасликлари оқибатида болаларга бериладиган нафақа пуллари, ночор, муҳтож оилаларга ёрдам пули ва бошқа ижтимоий муҳофазага ажратилган маблағлар баъзи ҳолларда ўзининг ҳақиқий эгаларига етиб бормаяпти. Кейинги ойларда мана шу соҳадаги адолат тикланди. Прокурор назоратини зарур даражада йўлга қўйиш қонубузилишларнинг олдини олиш, ўзи англаб-англамаган ҳолда шундай ҳолатларга йўл қўяётган раҳбар ходимлар, оддий фуқароларни интизомий, маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортилишидан сақлаб қолишда муҳим омилдир. Масалан, прокуратура ходимлари июнь-июль ойларида ғўза пайкалларида зараркунандалар кўпайиши ҳолларини текшириб, бу борада ҳақиқатда зарарланган майдонларни аниқлаш ва уларга кимёвий ишлов бериш хусусида мунасабат билдирдилар.

Бугунги амалга оширилаётган ишларни кўриб, баъзан ўйланиб қоламан. Нега илгарилари халқ ичига кириб боришга, унинг дарди, ҳасрати, ташвиш ва муаммоларини ечиш, малҳам бўлишга дадил киришилмаган? Кабинетларда ўтган қанча соатлар, кунлар, ойлар ва имкониятлар нега ҳавога совурилди? Фаҳмимча, республика Прокуратураси раҳбариятида бўлган ўзгаришлардан кейин вилоятлар, шаҳар ва туманлар прокурорлари ўз фаолиятларини бугунги кун талаблари даражасида шакллантирмоқда.

■ **Умаржон ЙЎЛДОШЕВ, уруш қатнашчиси, прокуратура идоралари фахрийси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист.**

ЎЗБЕК ФЕЪЛИ

МЕҲРГА ЙЎҒРИЛГАН ЭЪТИҚОД

Мен бу воқеадан қаттиқ таъсирландим. Сўнг «Нега бундай ҳол юз берди?» деган саволга жавоб изладим.

Бир бошидан гапириб бера қолай. У пайтда «Ўзбекистон овози»да ишлардим. Ҳамиша меҳр-оқибатда намуна бўлиб юрган оқсоқол журналист Зиёд ака қўнғироқ қилиб:

— Сизлар ишлаётган идорада ўттизинчи йилларда раҳбарлик қилган одам вафот этибди. Бугун соат ўн иккида дафн этишган. Ҳозир соат тўрт бўляпти, кечга қолмай оиласидан кўнгил сўраб қўйинглар, — дея марҳумнинг уй адресини тушунтирди.

Аввалига ҳайрон бўлдик. Қаранг, биз у одам шунча йиллар яшаб юрганлигини билмаган эканмиз. Шу даражада ғофил бўлганмизки, ҳатто у кишининг портретини марҳумлар қаторига илиб қўйган эканмиз. Лекин мени ҳайратга солган ҳолат бу эмас, кейинроқ, марҳумнинг уйига борганда рўй берди.

Тўғри, биз у одамни шахсан танимасдик. Бизни мутлақо бошқа-бошқа даврларда ягона идорада ишлаш бирлаштириб турарди. Ҳозироқ бориб оиласидан кўнгил сўраймиз. Етти-саккиз киши жам бўлиб, марҳумнинг уйига йўл олдик. Берилган манзил бўйича кўп қаватли уй олдида ҳозир бўлдик. Ҳеч ким йўқ. Адашдикми, деган хаёлда атрофни кузатдик. Шу пайт подъезд ёнидаги скамейкага кўрпача ташлаб қўйилганига кўзимиз тушди. Яқинроқ бордик. Йўлак ичкарироғидан ёши ўтинқираган аёл чиқди.

— Сизларга ким керак? — деб юзланди бизга.

— Кечирасиз, шу уйда бугун таъзия бўлган экан... — сўзимиз оғзимизда қолди.

— Нега ўн иккида келмадиларинг, майитни уйининг атрофини чиннидай қилиб супуриб-сидириш, сув сепиш учун ҳеч кимнинг расмий топшириқ бериши шарт эмасди. Кўнгил сўрагани келган одамлар билан марҳумнинг энг яқин кишилари қучоқ очиб кўришиши, «Бандалик, жойлари жаннатда бўлсин, раҳматли кўп ажойиб одам эди» деган сўзлар азадорлар кўнглидан малҳамдай жой олиши табиий эди.

Қаранг, шундай ҳолларда ўз миллатимизнинг хос хислатлари манаман деб кўзга ташланмайдими?!

Халқимизнинг уюшқоқлигини, кўплашиб ягона мақсадга интилишини, очиғи, мен дунёнинг ҳеч қайси мамлакатида кўрмаганман. Бирор хонадонга тўйга борсангиз, эшик олдида тизилиб турган одамларга эътибор берганмисиз? Уларнинг ҳаммаси тўй эгасига ўзининг қанчалар яқин жигарбанд эканлигини намойиш қилиб тургандай. «Марҳамат, хуш келибсиз, меҳмонни ичкарига олинг» — бу навбатчи сўзлар эмас, йўқ-йўқ, чин юракдан, ташрифингиздан миннатдор қалбнинг сизга таъзими. Ҳамиша қўли кўксида ўзбекнинг! Эҳтимол, билмаганлар тўйга келганнинг обрў-эътиборига қараб ҳурмат кўрсатилса керак деб ўйлаши мумкин. Асло ундай эмас. Бегона одам белгилайди. Бирор катта ишга киришишдан олдин жамоа жам бўлиб маслаҳат қилинади. Ёши улуғ оқсоқоллар қўл очиб фотиҳа беришади. Муҳим топшириқ бирор одамга юкланса, у киприк қоқмасдан рози бўлади: «Майли, кўпчилик нима деса — шу» дейди. Энди айтинг, аслида ҳақиқий демократия шу эмасми? Баъзи мамлакатларда оғзига келган гапни вайсашни демократия деб тушунганлар бор. Бизда эса кўпнинг гапига қулоқ осиш, ҳурмат қилиш ўзбекона одатимиз. Фақат биз уни кўз-кўз қилолмаймиз, чунки намойиш учун амал қилинмайди бу қоидага.

Элга ош тортилганда фақат эркаклар иштирок этишини кузатганмисиз. Нега шундай? Билмаганлар бу халқ аёлларни камситар экан деб тушунишлари мумкин. Йўқ, ундай эмас. Бу одат мунис аёлларимизнинг одоби, шарму ҳаёси билан боғлиқ. Очиғи, уни бошқа миллатдаги одамга тушунтириб ҳам беролмаймиз. Бу удум халқимиз қалбининг тубтубида эъзозланади, шунинг учун уни сўзда эмас, юракда англаш мумкин.

Қабристон томон кетаётган тобутни марҳумнинг яқинлари қўлма-қўл қилиб кўтаришини

ни кўмиб келишди.

— Биз кеч эшитдик...

Ўртада ноқулай вазият пайдо бўлди. Шериклариздан ёши улуғроғи:

— Келинглар, шу кўрпача устига ўтириб фотиҳа қилайлик, кейин қайтармиз, — деди.

Энди қуръон тиловати бошланганди, марҳумнинг подъездидан кимдир магнитофонда «Жиннури» ашуласини баралла овозда қўйиб юборди.

Биз тезроқ бу ердан кетишни истардик. Маълум бўлишича, «Нега ўн иккида келмадиларинг» деган аёл марҳумнинг хотини экан. Гап шундаки, бу аёл ҳам, биз руҳини ёдга олган зот ҳам асли туб миллатдан эмас эди.

Бу гаплардан хабар топганимиздан кейин марҳум чиққан хонадон нега ҳувиллаб ётганлигидан ажабланмадик. Ҳа, қандай бағрикенг, одам қадрини эъзозловчи халқимиз бор-а! Агар шу хонадонда бизнинг миллатимизга мансуб одамлар яшаганда нима бўларди — биз тасаввур қилиб кўрдик. Аввало марҳумнинг энг яқин кишилари — қариндош-уруғлари, дўстлари, шогирдлари, қуда-андалари шу ерда ҳозир-нозир бўлишарди. Кўп қаватли келса ҳам мезбон бағрини очиб кутиб олади. Негаки, таомил шунақа. Қуш уясида кўрганини қилгани каби, ўзбек ҳам туғилгандан буён уйига келган одамни очиқ чеҳра билан қарши олади.

Ҳамдардлик, дўст ташвишига шерик бўлиш миллатимиз қонқонига сингиб кетган. Мен яқинда шундай бир ҳикматни эшитиб хурсанд бўлдим. Келинг, уни сизга ҳам айтиб берай.

«Инсоннинг яқин дўсти, айтайлик, ўнта бўлса, хонадонига қувончли кун келса, демак, ўша шодлик ўнта карра кўпаяди. Агар бошига оғир кун тушса, билингки, яқин дўстлари туфайли ташвиши ўнга бўлиниб кетади».

Ҳашар халқимизнинг энг азалий, ўзигагина хос бўлган удумларидандир. Ҳашар билан бир кунда битта уйни тиклаганлар. Қариндош-уруғ, ёру биродар, қўни-қўшни ҳеч бир миннатсиз бир-бирига ёрдам беради. Қизиқ, бошқа бир миллатда «Икки қуённи қувсанг, биттасига ҳам етолмайсан» деган нақл бор. Бизда эса: «Кўпдан қуён қочиб қутулмас».

Жамоанинг фикри, кўпчиликнинг гапи ҳамиша устувор бўлади. Бу қоида азалдан миллатимиз турмуш тарзини кўрганмиз. Лекин ўша йўлдан ким ўтаётган бўлса, машинадами, отдами, пиёдами — албатта тобутни маълум масофагача кўтаришиб юборади. У марҳумнинг кимлигини билмаслиги ҳам мумкин, лекин шундай қилиши инсоний бурчи эканлигини, тобут ёнидан индамай ўтиб кетиш ўзи мансуб бўлган миллатга асло тўғри келмаслигини яхши билади.

Одам боласининг шунчалар ҳамдард, бирдам бўлиши бизга умримиз мобайнида юққанми? Йўқ, бу эзгу хислатлар халқимиз кечмишида асрлар мобайнида шаклланган. Биз шу удумларни аждодлардан авлодларга олиб ўтяпмиз. Уни асраш, авайлаш мустақиллик шарофати билан миллатимизнинг энг эзгу вазифаларидан бирига айланмоқда. Насиб этса, ўзбегимнинг меҳр-муҳаббатга йўғрилган эътиқоди билан буюк давлатнинг бор бўйини кўриш яқин қолмоқда. Бу йўлда янгиланган тафаккуримиз, бой маънавиятимиз чексиз куч-қудрат манбаи бўлгай.

■ **Шуҳрат ЖАББОРОВ**

СИФАТ УЧУН «ОЛТИН ТРОФЕЙ»

Шу йил **Business Initiative Directions (BID)** фирмасининг халқаро танлов қўмитаси қарорига биноан, «Совпластитал» қўшма корхонаси маҳсулотларининг сифатлилиги, олиймақом ва тадбиркорона истиқболи бўйича «Олтин Трофей» совринига лойиқ, деб топилди.

Таъкидлаш жоизки, BID ўзининг корпоратив дастурлари билан дунёнинг 57 мамлакатида жойлашган ўнлаб корхоналарни рағбатлантириб келади. Уларнинг кўпчилиги барқарор равишда сифатли маҳсулот ишлаб чиқариб, ўз обрў-эътиборини мустаҳкамлаб келмоқда.

Фахрий совринни тақдим этиш маросими сифат бўйича 14-халқаро конференция ўтказиладиган кунга уланиб кетгани кечага ўзгача шукуҳ бахш этди. Нью-Йоркдаги энг замонавий меҳмонхоналардан бири — «Мериот Маркус»нинг мажлислар залида ушбу совринни топшириш маросими бўлиб ўтди. Унда оламга донғи кетган бир неча йирик компаниялар раҳбарлари, дипломатик корпус ҳамда бизнес олами вакиллари, иқтисодиёт соҳаси мутахассислари, санъат намояндалари иштирок этди. Америка Қўшма Штатлари телевидениеси бу тадбирнинг ўтказилишига катта эътибор қаратди — ойнаи жаҳон кўрсатувларида Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган маҳсулотларга юқори баҳо берилди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан бўлиб ўтган учрашувда «Совпластитал» қўшма корхонаси бош директори А. Мелкумов Нью-Йоркда ўтказилган кунлар ғоят сермаҳсул бўлганини таъкидлади. Бу, шунингдек, бозорда маҳсулотларимизга бўлган талаб тизимини ўрганиш ва истиқболдаги режаларимизни ишлаб чиқиш имконини берди.

■ **«Жаҳон» АА Нью-Йорк.**



ЎЗБЕКИСТОН МАҲСУЛОТЛАРИ — ТОКИО КЎРГАЗМАСИДА

Токиода Япония Ташқи савдо ташкилоти (JETRO) томонидан ташкил этилган чет эл сармояларини жалб этиш масалаларига бағишланган 8-халқаро кўргазма ўз ишини якунлади.

Японияда ги йирик сармоядорларни хорижий мамлакатлардаги сармоявий муҳит билан яқиндан таништириш ҳамда Япония бизнес кишиларини чет эллар иқтисодиётига ўз маблағларини олиб киришга даъват этиш — мазкур кўргазмани ташкил этишдан кўзланган асосий мақсад эди. Унда дунёнинг 72 мамлакати, жумладан, Ўзбекистоннинг қатор фирма ва компаниялари ҳам иштирок этди.

Япония иш одамлари Ўзбекистонда тайёрланган вино маҳсулотларининг турли хил навларига, мамлакатимизда виночиликнинг ривожи масалаларига катта қизиқиш билдиришди. Кўргазма пештахталарига қўйилган ўзбекона виноларнинг сифати юксак баҳоланди. Кўпгина япон бизнесменлари Ўзбекистондаги виночиликка ихтисослашган хўжаликлар билан ҳамкорлик қилиш ниятида эканини билдиришди.

Шунингдек, кўргазма доирасида Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий ва сармоявий салоҳиятига бағишланган махсус семинар ҳам ўтказилди. Мазкур тадбирда иштирок этган Япония Ташқи савдо ташкилоти (JETRO)нинг ижрочи вице-президенти Т. Омия Япония Ўзбекистон билан ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратаётганини таъкидлади.

■ **«Жаҳон» АА Токио.**

САЙЛОВДА ҚАТНАШИШНИ ХОҲЛАМАЯПТИ

Озарбойжондаги ўн мухолиф партия ноябрь ойида бўлиб ўтадиган парламент сайловида қатнашишдан бош

тортди. Халқ фронти, Миллий мустақиллик партияси, «Мусовот», Демократик партия ва бошқа йирик ташкилотлар бошлиқлари имзолаган қўшма баёнотда шундай дейилган. Ҳужжатда айтилишича, мазкур норозилик намойиши парламентнинг ЕХҲТ талабларига мос равишда сайловлар тўғрисидаги қонунга ўзгартиш киритмагунча давом этади.

УЧУВЧИЛАР ОЗОД ЭТИЛДИ

Ҳиндистоннинг Калкутта шаҳридаги қамоқхонадан озод этилган ригалик беш учувчи тўрт йиллик ҳибсдан сўнг Москвага келди. Буюк Британиянинг «Кэрол эйр сервисес» фирмаси томонидан «Латавиа» компаниясидан ижарага олинган «Ан-26» самолёти экипажи ҳамда самолётдаги юк эгаси бўлмиш англиялик Питер Блич 1995 йил декабрда Ҳиндистоннинг Ғарбий Бенгалия штатига қурол-яроғ келтиргани учун ҳибсга олинган эди. Юкнинг нима эканлигидан бехабар бўлган учувчилар ўзига қарши қўйилган айбни тан олмаган бўлса ҳам, шу йилнинг февраль ойида Калкутта суди бешта учувчи ва П. Блични бир умрлик қамоқ жазосига ҳукм қилган эди. Россия ҳукумати ва Халқаро учувчиларни қўллаб-қувватлаш қўмитасининг саъй-ҳаракатлари туфайли суд ҳукми қайта кўриб чиқилиб, учувчилар озод этилди.

«ТОЛИБОН»ЛАР ДАЪВОСИ

Афғонистонда ҳукм сураётган «Толибон» режимининг вакиллари Қанда-

ҳор шаҳрига мусобақага келган Покистон футбол жамоаси аъзоларини ушлаб, уларнинг сочларини олиб ташладилар. «Толибон»нинг даъвосига кўра, футболчилар Афғонистонда жорий қилинган ислом аҳкомлари қоидаларига риоя қилмаганлар. Ушбу ҳодиса футбол мусобақаси бошланишидан олдин рўй берган, — деб хабар беради **«АМЕРИКА ОВОЗИ» РАДИОСИ.**

ҚОНУНГА ИМЗО ЧЕКДИ

Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев «Қозоғистон Республикасининг биринчи президенти тўғрисида»ги қонунга имзо чекди. Ушбу қонун Н.Назарбоевнинг давлат бошлиғи сифатидаги ваколати тугагач, унга маълум кафолат ва ҳуқуқлар беради. Жумладан, Н.Назарбоев халқ ва давлат органлари томонидан кўриб чиқилиши мажбурий бўлган ташаббусларни олға суриши, парламент олдида ва ҳукумат йиғилишларида нутқ сўзлаши, Қозоғистон халқлари ассамблеясини бошқариши, мамлакат хавфсизлик кенгашига аъзо бўлиши мумкин.

■ **(ЎзА)**

МОЛ-МУЛКЛАР СОТИЛАДИ

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 16.05.2000 йилда чиқарган № 1158/00 сонли қарори асосида Тошкент шаҳар «Саноатфуқароқурилиш» очиқ акциядорлик жамияти банкрот деб эълон қилинди. Тошкент шаҳар «Саноатфуқароқурилиш» очиқ акциядорлик жамиятининг (мол-мулклари, асосий воситалари, бинолар, узатма қурилмалари, автотранспортлар, ускуналар ва бошқа асосий воситалари) жиҳозлари ва қурилиш материаллари иккинчи марта сотувга қўйилмоқда.

Манзил: Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 24-уй, 401-хона, «Аўстлик» меҳмонхонаси қаршисида. Тел: 132-07-01, 132-07-03.

КЎЧМАС МУЛК – КЕТМАС ДАВЛАТ

Республика кўчмас мулк биржасининг Тошкент вилоят филиали 2000 йил 16 август куни соат 10⁰⁰ да ўтказиладиган навбатдаги

АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

Савдога қуйидагилар қўйилади:

Паркент шаҳри Қуруқсой мавзесида жойлашган сатҳи 400 кв.м. бўлган 5 та ер майдони, ҳар бир ер майдонининг **бошланғич нархи — 34568 сўм.**

Шунингдек, аввалги савдоларда сотилмай қолган ер майдонлари, иншоотлар ва автотранспортлар ҳам шу савдода сотилиши мумкин.

Манзилимиз: Тошкент шаҳар, Хоразм кўчаси, 51-уй, 3-қават, 9-хона.
Тел.: 133-28-52. Факс: 133-49-31.

ШЕЪР ВА ШУУР

ҲАР ОТАЖАК ТОНГДАН МУЖДАЛАР КУТ

ЭЛНИНГ ЎҒЛИ БЎЛСАНГ

Эгик бўлса агар элинг бошин кўтар,
Елкасидан босиб турган тошин кўтар,
Кипригини букиб турган ёшин кўтар,
Сен шу элнинг бир ростакам ўғли бўлсанг!
Дунё сенинг авлодингга давом берар,
Ётлар келиб ҳурмат учун салом берар,
Чўнг давралар фикринг сўраб калом берар,
Эрки қўлда, камар белда, туғли бўлсанг.
Адл турсанг турфа гирдоб торта олмас,
Гарданингга замон иснод орта олмас,
Умидларинг ора йўлда ёрти қолмас,
Нигоҳ тийран, қора кўзи чўғли бўлсанг.
Оёқости бўлар баёв халқнинг гўри,
Йигити эр эмас элнинг қурир шўри,
Томоғингга оғиз солар ҳар сур бўри,
Агар сурув ортидаги тўқли бўлсанг.
Ғайри кўзлар боқолмас сен томонингга,
Саёқлардан соя тушмас замонингга,
Куфр ўйлар дахл қилмас иймонингга,
Номус отлиқ садоқ тўла ўқли бўлсанг.
Буюкларга ворислигинг ёдингда тут,
Ҳар отажак тонгдан қутлуғ мужадалар кут,
Ўзбек бўлиб келдинг, ўзбек бўлиб ўт,
Боболаринг каби тагли-тугли бўлсанг!

ЎҒЛОН

Шарқираган сой ҳам булоқ фарзанди,
Ҳар бир ўғлон ўз халқнинг дилбанди.
Гар ҳаёт ёрлақаб, айласа танти —
Етай десанг Ҳақнинг иноятига,
Халқинг дардларига дармон бўл, ўғлон!
Аждодларинг бўлган юраги чўғли,
Жаҳон билар: халқим тамғали, туғли,
Юртнинг ҳар йигити — қами Ғўрўғли,
Қулоқ тут асрлар ривоятига —
Эл-юртнинг кўксида қалқон бўл, ўғлон!
Ҳар мард бўлса элнинг суянган тоғи,
Оёқости бўлмас Ватан тупроғи.
Қандай яшаб ўтдинг, бордир сўроғи,
Амал қил Қуръоннинг ҳар оятига,
Ифтихордан боши осмон бўл, ўғлон!
Кўзга сур, бу замин — боболар хоки,
У ҳаёт ва мамот, ризқ-рўз ҳаттоки,
Унга қўшилмоққа лойиқ бўл, токи
Руҳинг чайқа нури ҳидоятига —
Ватан тана бўлса, сен жой бўл, ўғлон!
Ватан ичра ундан ким жисман жудо,
Ким Ватан қарғаган чин ватангадо,
Ватансизга толе ҳеч бўлмас ато,
Ватаннинг роҳату азиятига
Чидаган фидойи инсон бўл, ўғлон!

ЭЛИМ

Жоним, ўзбек элим, суюгим ўзинг,
Оташларда бағри куюгим ўзинг,
Кўплардан кўк қадар буюгим ўзинг,
Дунёга йўл очган ўмроним — сендан!
Руҳимиз кишанни айлади канда,
Энди ҳеч ким тутмас эркимиз бандда,
Ғуруримиз каби тургин баландда,
Тилагим шу, туғром, яловим — сендан!
Келган ўзинг мустар кутган давронми?
Сенга тилакдошлар соғу омонми?
Бу йўлда иймонинг сенга сарбонми?
Номус учун тиккан гаровим — сендан!
Анҳоринг тиниқми, булоғинг софми?
Ҳар бир ўғил-қизинг руҳан кашшофми?
Фарзандлар ҳулқига мезон инсофми?
Элим, шу тилагим, сўровим — сендан!
Бедов кишнашига ҳадик ётмикин!
Ҳамма қисматидан бирдай шодмикин?
Боболар ўгити дилга ёдмикин?
Шу боис курашга яровим — сендан!
Гулдаги шабнамга қўнмаганми гард?
Осмонинг аслидай кўрсам ложувард,
Шуларга инонсам — дилда қолмас дард —
Билай, кўксимдаги оловим — сендан.
Барчинлар сабрда собитми ҳамон?
Юртим деб тикарми Алпомишлар жон?
Шундай бўлса доим топарсан омон —
Бошимга тож бўлган қировим — сендан!

■ Жонибек СУБҲОН

«ПАЙҒАМБАР ОРОЛИ» АФСОНАСИ

Термиз ва Музрабод туманлари чегарасида Амударёнинг энг катта оролларидан бири жойлашган 5 минг гектардан ортиқ ерни ташкил қиладиган мазкур оролнинг икки томонидан дарё оқиб ўтади. Ривоятларга қараганда бу оролнинг пайдо бўлиши Муҳаммад пайғамбаримизнинг 16 авлодига мансуб XI—XII асрларда араблар томонидан келиб, Туркманистоннинг Келес деган жойида яшаб ўтган Зул-Куфил деган бир авлиё номи билан боғлиқ. Авлиё ўз умри охирлашганини сезиб, уламоларига ўзини сандиққа солиб Амударёга ташлашни ва сандиқ қаерга бориб тўхтаса ўзини шу ерга дафн этишни буюрибди. Шундан кейин бутун халқ йиғилиб бу улуғ зотни сандиққа солиб дарёга ташлашибди. Сандиқ дарёнинг тўғри оқимига қараб оқмасдан, балки оқимга қарши оқа бошлабди. Дарёнинг икки томонида бу сирли воқеани кузатиб турган халқ ҳайратдан ёқа ушлабди. Сандиқ эса ҳозирги имом Ат-Термизий мақбарасига етмасдан дарёнинг ўртасидаги кичик бир тепаликка бориб тўхтабди. Шунда Зул-Куфил авлиё оломонга қараб «Худони айтгани шу бўлса мени шу ерга дафн этинглар», — деб оламдан кўз юмибдилар. Оломон эса кичкинагина тепаликка авлиёни қандай қилиб дафн этишни ўйлаб бошлари қотиб қолибди. Эртаси кони эрталаб қарасалар бу ерда ҳозирги 5 минг гектардан ортиқ орол пайдо бўлибди. Шундай қилиб халқ авлиёни мана шу ерга дафн этиб, мақбара ҳам қурибди. XI—XII асрдан буён Буюк ипак йўли карвонлари ана шу оролга тўхтаб дам олар ва орол орқали Афғонистон, Эрон, Арабистон, мамлакатларига қараб йўл олар экан. Ҳозирги пайтда ҳам мақбара сақланиб қолган. Мақбара жойлашган жой эса неча асрлардан буён халқ тилида «Пайғамбар ороли» деб юритилади.

Суратда: Зул-Куфил авлиёнинг қабр мақбараси.

■ Искандар ХЎЖАЕВ (ЎзА) олган сурат.

СПОРТ

ДАСТЛАБКИСИ САФАРДА

Осиё футбол конфедерацияси қитъа кубоклари учун учрашувлар муддатини эълон қилди. Осиё чемпионлари кубоги учун кураш қатнашчиси «Дўстлик» жамоаси дастлабки учрашувни 24 август куни сафарда «Варзоб» (Душанбе) майдонида ўтказадиган бўлди. Осиё кубок эгалари кубоги учун баҳсда қатнашадиган «Самарқанд» футболчилари эса «Небитчи» (Небитдоғ) жамоасининг меҳмони бўлади. Такрорий ўйинлар 8 сентябрга мўлжалланган.

■ Қобул КАРИМОВ

«САЛОМАТЛИК» ЎЙЛАНМАСИ

ЭНИГА: 5. Қандолатчиликда ва шифобахш шам, малҳам ишлаб чиқаришда ишлатиладиган тропик мамлакатларда ўстириладиган доим яшил дарахт. 6. Баданга сувли пуфакчалар тошиб, ҳарорат кўтарилганда болаларда юз берувчи юқумли касаллик. 15. Мамлакатимизда етиштириладиган шифобахш жануб меваси. 16. Турли касалликларни даволашда ишлатиладиган, тоғ қояларининг ёриқларидан сизиб ётадиган мумсимон модда.

БЎЙИГА: 1. Кўз ёки бурун шиллиқ пардасининг яллиғланишидан ҳосил бўладиган сариқ сув. 4. Жигар ҳужайралари ажратадиган сариғиш жигарранг модда. 11. Тирик организмнинг энг муҳим таркибий қисмини ташкил этган мураккаб органик модда. 12. Халқ табобатида тери касалликларини даволаш, чаён ва ари чаққанда ширасидан фойдаланилган қанд ва дармон-дорига бой, серуруғ ҳўл мева.

ЁЙЛАР БЎЙИЧА: 2. Ўпканинг яллиғланиш касаллиги. 3. Халқ табобатида тамоқ оғриғи, оғиз ўйилиши, милк яллиғланиши каби касалликларни даволашда қадимдан фойдаланилган тузсимон модда. 7. Сифатли, озодалик совуни. 8. Танадаги тўқима ва ҳужайралар орасидаги бўшлиқни тўйдириб турувчи ва тўқима билан қон ўртасида модда алмашинувини таъминловчи шаффоф суюқлик. 9. Танадаги ошқозон жойлашган қисм. 10. Мевали таомга зировор сифатида ишлатиладиган бута ўсимлиги. 13. Қовурмасдан пиширилган, парҳез таом. 14. Марказий асаб ва юрак-томир тизимини қўзғатувчи, кофеин моддасига бой доим яшил жануб меваси.

Муаммонома: қуйидаги изоҳлари баён этилиб, рақамларда ифодаланган сўзларни топиб, очқични ҳал этинг.

1. Тошкент вилоятидаги тоғликда жойлашган иқлимий шифохона — 2, 9, 14, 2, 22.

2. Танадаги ҳазм тизими безларининг энг каттаси, сафро ишлаб чиқарувчи аъзо — 20, 18, 4, 17, 16.

3. Гавда суякларининг тоғайлар, пайлар билан бириккан жойлари — 12, 7, 11, 18, 21.

4. Халқ табобатида асал билан қўшиб буғлаб пиширилган ҳолда истеъмол қилинадиган ҳушбўй ҳўл мева — 12, 1, 15, 18.

5. Танадаги энг «меҳнаткаш» аъзо — 13, 16, 17, 10.

6. Мевасидан тайёрланган дори ёки гулидан тайёрланган дамлама қон-томир касалликларини даволашда фойдаланиладиган бута ўсимлиги — 5, 7, 3, 17, 6, 17.

7. Кенг истеъмол қилинадиган, шифобахш чорвачилик маҳсулоти — 19, 8, 14.

Шакл атрофидаги рақамларни очқичдаги жавоблар асосида ҳарфлар билан алмаштириб муаммономани ечинг. Тўғри ҳал эта олсангиз «Нигористон» номли нодир асарда келтирилган овқатланишга оид тўрт мисра ҳикматни билиб олишга муваффақ бўласиз.

■ Фозилжон ОРИПОВ тузди.

«ДЕҲҚОНЧИЛИК» ЎЙЛАНМАСИ ЖАВОБЛАРИ

Ёйлар бўйича: 1. Чиллаки. 2. Қовоқ. 3. Чопиқ. 4. Шоликор. 5. Тоғолча. 6. Соялки. 7. Полиз. 8. Арғувон. 9. Трактор. 10. Ловия. 11. Қовун. 12. Бодринг. 13. Помидор. 14. Расад. 15. Какра. 16. Шафтоли. 17. Ҳасайни. 18. Сузма. 19. Пушта. 20. Ширинак. 21. Сихмола. 22. Ниҳол. 23. Зиғир. 24. Қайроқи. 25. Даромад. 26. Каноп. 27. Сахро. 28. Ҳисилот. 29. Томорқа. 30. Палак. 31. Майиз. 32. Редиска. 33. Резавор. 34. Пилла. 35. Чигит. 36. Қизилча.

Муаммонома: Очқич сўзлар: 1. Хирмон. 2. Уруғ. 3. Мироб. 4. Ишком. 5. Чархпалак. 6. Мева. 7. Ўрик. 8. Ҳордиқ. 9. Гул.

Ҳикмат: Нахлга деҳқон чу берур парвариш,
Бўлур анга мева у гул бермак иш.



БОШ МУҲАРРИР
Азим СУЮН

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Алимқул СУЛТОНОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Бахтиёр ҲАМИДОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

МУАССИС:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Сиёсат — 133-44-55
Иқтисодиёт — 133-76-04
Маънавият — 133-07-20
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-12-56, 136-55-16
Ахборот — 133-12-56
Котибият — 133-21-43
Реклама ва эълонлар 133-47-80, 133-38-55,
Факс — 133-73-43, 133-06-83

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 222-70-12;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 136-53-16;
Урганчда — 226-51-35;
Фарғонада — 26-46-84;
Қаршида — 4-61-35;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи
Соҳибжон Салимов

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Саҳифаловчи-дастурчи
Бахтиёр Жуманов

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби
№ 00004
Газета офсет усулида, А—2 форматида босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ.

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
Г — 602

Топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 21.30
1 2 3 4 5 6

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазирлиги йил бошида болалар орасида «Соғлом авлод учун» танловини эълон қилган эди. Танловда болалар боғчаларининг моддий техника имкониятлари, болаларга яратилган шарт-шароитлар, кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишлари, ходимларнинг иш тажрибалари ҳисобга олинди. Ўтган куни шу танловнинг ғолиблари аниқланди. Нукус шаҳридаги 34-, Элликқалъа туманидаги 4-болалар боғчалари танлов ғолиби деб топилди. Кегайли туманидаги 2-, Чимбой туманидаги 8-, Қўнғирот туманидаги 14-болалар боғчалари иккинчи ўринга муносиб деб баҳоланди ва ғолибларга қимматбаҳо совғалар топширилди.

■ «Туркистон-пресс»

Шавкат АКРАМОВ олган сурат

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ «2000 йилда ҳўл мева-сабзавот маҳсулотларини марказлаштирилмаган ҳолда экспорт қилишни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ

«Интер Карго Сервис» қўшма корхонаси — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпаниясининг Тошкент аэропортидаги юк ташиш бўйича бош агенти, барча турдаги ҳўл мева-сабзавот маҳсулотларини қабул қилиш, ишлов бериш ва мунтазам йўловчилар ташиш ва чартер йўналишларида МДҲ ва узоқ олис мамлакатларга жўнатиш бўйича хизматларини таклиф этади.

Сизнинг хизматингизга:
✓ ҳаво парвозлари талабларига жавоб берадиган шартларда турли хил юкларни етказиб бериш;
✓ хилма-хил йўналишлар;
✓ халқаро талаблар даражасидаги хизматлар;
✓ юклар сақланишининг кафолати;
✓ замонавий юк терминали;
✓ умумий майдони 3000 кв.м.дан зиёд омборхоналар;
✓ юқори малакали мутахассислар;
✓ ҳаво йўллари бўйлаб юк ташиш бўйича турли маслаҳатлар;
✓ юкларни топшириш ва қабул қилиб олиш бўйича ёрдам кўрсатиш.

Мижозлар диққатига!
2000 йил 14 июлдан 15 октябргача мавсумий чегирмалар жорий этилиб, ҳўл мева-сабзавот маҳсулотларни етказиб бериш қуйидаги йўналишлар бўйича 25 фоизга арзонлаштирилди:
Москва, Челябинск, Новосибирск, Красноярск, Самара,

INTER CARGO SERVICE
ҚЎШМА КОРХОНАСИ СОВМЕСТНОЕ ПРЕДПРИЯТИЕ
САМОДАГИ ЮКЛАР УЧУН МАСЪУЛИЯТ ЮКИ
Тошкентдаги телефонлар: 50-40-03, 55-12-68, «Тошкент» аэропортидаги ички телефонлар: 13-58, 13-21, 13-22.
3097

КУЛГУ — УМР ЗИЙНАТИ

— Эрим тўйдан сўнг бирдан ўлиб қолди.
— Бечора. Мутлақо қийналмабди.

— Азизим, кел тўйимизни Янги йил байрамида ўтказамиз.
— Қўйсангиз-чи, шундай байрамни бузиш шартми.

***

Овчининг қопқонига тушган икки тулкидан бири:
— Энди қаерда учрашар эканмиз? — деб қўйибди.
— Қаерда бўларди. Уч кундан кейин тери бозорида бўлса керак-да.

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманидаги «Ал-Зураб» фирмасига тегишли бўлган «Ширин» деҳқон бозори ҳудудида жойлашган Ер кадастри бошқармаси томонидан тайёрланган ҳужжатлар йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ